

Мавсумий гуллар сотиб олиш учун ШАРТНОМА

2022 й. «9» 8

18-11-165-ОВ/2022-

сон

ш.

Ўзининг Низоми асосида фаолият юритаётган кейинги ўринларда "SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ МЧЖ (ўтказилган танлов ғолиби) деб юритилаётган томон номидан раҳбар И.Валиев бир томондан, ўзининг низоми асосида фаолият юритувчи Ёзёвон туман Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда "Харидор" деб юритилувчи номидан бошқарма бошлиғи О.Холматов иккинчи томондан, иккала томон биргаликда "Томонлар" деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1. Мазкур шартнома бўйича бажарувчи, "Харидор" мазкур шартномада белгиланган суммада ва шартларда харид қилиб олади. Томонлар махсулотни харид қилиш ва сотиш бўйича қуйидаги келишувга эришдилар.

Тадбир тури	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумаси
Мавсумий гул кўчатлар	дона	8750	3900	34 125 000
ЖАМИ:				34 125 000

Шартноманинг умумий баҳоси қўшимча қиймат ва акциз солиғисиз 34 125 000 (Ўттиз тўрт миллион бир юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади.

2. Шартнома бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда хизматларни бажариш тартиби.

2.1. "ХАРИДОР" мазкур шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни мобайнида шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридagi пул маблағларининг олдиндан тўловини амалга ошириши ва банк ҳужжатларини тақдим этиши шарт.

2.2. Агар мазкур шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни мобайнида пул маблағлари "SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказиб берилмаса, "SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ нархларни ўзгартириши ёки ўз мажбуриятларни бажаришдан воз кечиши мумкин.

2.3. "SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ ҳисоб-рақамига хизмат кўрсатиш кунидан олдин тўлов сумасининг 30 фоизи ўтгандан сўнг қолган 70 фоиз қисмини тадбир яқунланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни мобайнида хизмат кўрсатувчига тўлаб берилиши шарт.

2.4. Шартнома бўйича 30 фоиз пул маблағи х/р ўтказилган кундан бошлаб "SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ томонидан 7 иш куни ичида мавсумий гул кўчатларини экиб тугатишни ўз зиммасига олади.

3. Томонларнинг жавобгарлиги.

3.1. Томонлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.2. «Буюртмачи» томонидан курсатилган хизмалар учун туловлар уз вактида амалга оширилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Бажарувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

3.3. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

4.Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

4.1 Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

4.2 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларни тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

4.3 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

4.4 Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.5 Тарфнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган такдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

5. Фавқулодда (форс-мажор) ҳолатлар.

5.1. Томонлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар сабабли бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўташдан озод этиладилар.

5.2. Форс-мажор ҳолатларга олдиндан кўриб ва олдини олиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган, томонларнинг хоши-иродаларига боғлиқ бўлмаган ва шу боис томонлардан ҳеч бирига мажбуриятларни ўташга имкон бермайдиган ҳолатлар-енгиб бўлмайдиган табиат ҳодисалари (зилзила, тўфон, кўчкилар ва шу кабилар) ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал. Давлат органларининг тақиқловчи ҳужжатлари ва шу кабилар) киради.

6.Шартноманинг бошқа шартлари

6.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини бажариб бўлгунга қадар, лекин кечи билан 2022 йил 31

декабрга қадар амал қилади. Мазкур шартномага томонлар ўзаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда исталган вақтда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли. Мазкур шартномага қилинган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва томонларнинг имзолари билан тасдиқланиши лозим. Мазкур шартномага қилинган барча иловалар, қўшимчалар

ва ўзгартишлар шартноманинг таркибий қисми деб қаралади.

Низолар тарафларнинг ўзаро келишувлари билан ҳал қилинади, низоларни ўзаро ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда тегишли томон Иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

6.3. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви асосида исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

6.4. Шартнома бир хил кучга эга бўлган икки нусxada тузилди ва томонларнинг ҳар бирида сақланади. Мазкур шартнома юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари томонидан ижобий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тарафлар томонидан имзолангач ва ғазначилик бўлиmidан тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг юридик кучга эга бўлади.

7. Томонларнинг манзиллари ва банк рақамлари

Бажарувчи

"SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ

Манзил: Ёзёвон туман

х/р:20208000905418983001

ИНН: 308717310

МФО:00401 Банк: АТБ

“Алоқабанк” Фағона ф

ХАРИДОР

Ёзёвон туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзили: Ёзёвон тумани, Хидоят кўчаси 1-уй, тел:

Х/Р: 100022860302427065200110001

ИНН: 205487975

Молия вазирлиги ғазначилиги

Х/Р:23402000300100001010

Банки: Марказий банк Тошкент ХКМ

ИНН: 201122919 МФО: 00014



Рахбар: **И.Валиев**



Рахбар: **С.Холматов**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
TALABLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№ TD01402003

1. Loyihaning turi: Shartnoma ("SOKIN OSMON SEXRI" МЧЖ МЧЖ)

2. Loyihaning nomi: Mavsumiy gullar sotib olish uchun

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:

Yozyovon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 09 avgust kuni "E-huquqshunos" elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasining qonuni "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" qonuni, O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolik kodeksi" va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



Q.M.Abdullayev

09.08.2022



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektini yagona davlat reyestriga

"SOKIN OSMON SEXRI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Ushbu shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SOKIN OSMON SEXRI" MCHJ

(Ushbu shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.07.2025

1017776

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Bata-oy (so'z) bilan yil)

Sizga o'tkazilgan identifikatsiya raqami (STIR):

308717310

Tashkiliy-huquqiy
shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joy

Farg'ona viloyati, Yozyovon tumani, Qo'rg'oncha MFY Navbahor ko'chasi
48-uy.

Guvohnoma

Farg'ona viloyati, Yozyovon tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risida)





09.08.2022 йил

Ёзёвон тумани

Ёзёвон тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 27.07.2022 йил кунги лот №22110012128305 билан Ёзёвон тумани Ободонлаштириш бошқармасининг мавсумий гул кучатларини сотиб олиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 5

Қатнашдилар:

О.Холматов	- бошқарма бошлиғи
Ж.Халилов	- бош муҳандист
З.Миллажонов	- Бош ҳисобчи
М.Ўринов	- ИОФБ бошлиғи
А.Мамасаидов	- мутаххасис

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

- 1 SHAROFATXON ONA BARAKASI 2022 OK
- 2 MCHJ SOKIN OSMON SEXRI

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғалиб иштирокчи "MCHJ SOKIN OSMON SEXRI" хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари



О.Холматов

Ж.Халилов

З.Миллажонов

М.Ўринов

А.Мамасаидов

С.Орипов

Йиғилиш котиби:

Handwritten signature in blue ink, likely of the secretary of the meeting.